

Келгусида «Буюртмачи» деб номланувчи «Хоразм минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати» Давлат унитар корхонаси номидан Низом асосида иш юритувчи директор Р.Рўзимов бир томондан, келгусида «Лойихачи» деб номланувчи «XORAZMYOLLOYINA» МЧЖ номидан иш юритувчи директор Х.Турдиев иккинчи томондан, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги ПК-172-сонли қарорига асосан «Боғот тумани Ўзбекистон МФЙ Юрт ёшлари,Ипак йўли, Қорачиқ,Мовий уммон,Азим дарё,Сўлим диёр,Чарос, Қайнар булоқ,Халқ бахти, Жаннатмакон ўлка, Баҳор айёми, кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш» объектига лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқаришни шартномани туздилар.

#### 1. Шартноманинг мазмуни

1.1. Лойихачи Буюртмачининг лойихалаш топшириғи бўйича ишчи лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш мажбуриятини олади.

1.2. Буюртмачи лойиха-смета ишларини бажариш учун топшириқ бериш, зарур бўладиган бошланғич маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул қилиб олиш, белгиланган тартибда ва миқдорда ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

1.3. Лойихачи кўрсатиб ўтилган ишларни «Корхона, бино ва иншоотлари лойиха смета ҳужжатларининг таркиби, ишлаб чиқиш тартиби ва тасдиқлаш» ҳақидаги 1.03.01-03 ШНҚ қоида ва қўлланмалари ва мазкур шартноманинг ҳужжатларига асосланиб бажаради ва тугаллайди.

#### 2. Ишларни бажариш муддати

2.1. Лойихачи ишларни дастлабки аванс тўлови амалга оширилган кундан бошлаб бажаришга киришади.

2.2. Мазкур шартномада ЛСХни тайёрлаш муддати, ишлар бошланган кундан бошлаб \_18\_ кун этиб белгиланади.

2.3. Буюртмачи томонидан топшириқ, бирламчи маълумотларни бериш ва Лойихачи томонидан Буюртмачининг топшириғи бўйича иловадаги кўчаларни ишчи ЛСХ ҳужжатларини (топология сёмка, курилишни ташкил этиш лойихаси) ишлаб чиқиш, амалдаги тартиб қоидалар бўйича топшириш муддатларини томонлар календар жадвалда белгилайдилар ва у шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

#### 3. Шартнома баҳоси.

3.1. Мазкур шартнома бўйича Лойихачи томонидан бажарилган танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори (2022 йил «13» апрелдаги № 15479 сонли баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва ККС билан жорий нархларда 23 000 000 (йигирма уч миллион) сўмни ташкил этади.

#### 4. Тўлов шартлари.

4.1 Шартномада миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилиниши белгиланади, тўловлар тўғридан-тўғри Лойихачи ҳисоб рақамига пул ўтказиш орқали амалга оширилади.

4.2. Мазкур шартнома бўйича мақсадли аванс, ишлар умумий қийматининг 30 фоизини ташкил қилади ва шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичида тўлаб берилади.

4.3. Буюртмачи мазкур шартномада белгиланган ишлар тўлалигича бажарилиб, ҳажми, сифати ва Лойихачининг ҳисоботи текширилиб, Давлат экспертизаларидан ўтказилиб, аниқланган камчилик ва хатолар, билдирилган эътирозлар бартараф қилиниб ижобий хулосалар олингандан кейин шартнома қиймати доирасида илгари берилган авансни ҳисобга олган ҳолда якуний тўловни амалга оширади.

#### 5. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

##### Лойихачининг мажбуриятлари:

5.1. Лойихалаш ҳақидаги топшириққа ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ ишларни бажариш ва натижасини шартномада белгиланган Буюртмачига топшириш мажбуриятларини олади.

5.2. Объектни ЛСХ ҳужжатлари ва нуқсонлар далолатномаларини тайёрлаб, Буюртмачи билан биргаликда фойдаланиш ташкилотлари (электр тармоқлари корхонаси, водоканал, райгаз, ёнғин хавфсизлиги назорати), тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиб олиш.

5.3. Буюртмачининг розилигисиз ЛСХ ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслик.

5.4. Тайёрланган ЛСХ ҳужжатлари асосида учинчи шахсларда ишни бажаришга қаршилик қилиш ёки бажаришни чеклаш ҳуқуқи йўқлигини кафолатлайди.

5.5. Буюртмачи томонидан тақдим қилинган дастлабки ва бирламчи маълумотларни, муҳандислик қидирув хулосаларини, Буюртмачининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қилмаслик, улардан фақат ушбу шартномадаги предметда фойдаланиш мажбуриятини олади.

5.6. Объектда курилиш ишлари тўлалигича якунлангандан сўнг, ишчи комиссиясига Лойихачи объектнинг ЛСХ ҳужжатлари асосида қўрилганлиги тўғрисида хулоса тақдим қилиш.

5.7. ЛСХ ҳужжатларини бир-бирига мутаносиблиги (мос келиши) ва иш ҳажмларини ишчи чизмаларида берилган иш турлари мослиги ШНК талабларига жавоб беришига лойихачи ташкилоти буюртмачи ва пудратчи олдида жавобгардир.

##### Буюртмачининг мажбурияти:

5.8. Лойихачидан олинган ЛСХ ҳужжатларидан фақат мазкур шартномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш, ЛҚИ ҳужжатларини Лойихачининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қилмаслик.

5.9. Шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда шартномани 1.1-бандида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва бажарганлик учун Лойихачига ҳақ тўлаш.

5.10. Лойихачига лойиха ишларини бажаришда ушбу шартномада назарда тутилган ҳажмда ва шартларда хизмат кўрсатиш.

5.11. Тайёр бўлган ЛСХ ҳужжатларини тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини - ўзи бошқариш органлари билан келишиб олишда Лойихачи билан бирга қатнашиш.

5.12. Лойихачига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар сабабли лойиха ишларини бажариш учун бошланғич маълумотлар ўзгариши билан боғлиқ қўшимча харажатларни Лойихачига тўлаш.

5.13. Тайёрланган ЛСХ ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан кўзатишган даъво юзасидан ишга қатнашишга Лойихачини жалб қилиш.

5.14. Лойихачининг ҳуқуқлари:

- ЛСХ ҳужжатларини ишлаб чиқиш жараёнида зарурат бўлса айрим махсус қисмларини бажариш учун ёрдамчи (субподрядчикларни) жалб қилишга ҳақлидир.

#### 6. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

6.1. Бажарилган ишларни баҳолаш ва қабул қилиб олиш техник топшириқ талаблари асосида календар жадвал бўйича амалга оширилади.

6.2. Лойихачи томонидан топшириладиган ва расмийлаштириладиган ҳужжатлар руйхати техник топшириқда аниқланади.

6.3. Лойихачи ишларни бажариб бўлгач, Буюртмачига техник топшириқда кўрсатилганидек топшириш - қабул қилиш далолатномаси билан биргаликда илова қилиб битта электрон вариант ва 3та нусхада ҳужжатлар комплектини ҳисобот билан тақдим этади.

6.4. Буюртмачи мазкур шартномада кўрсатилганидек, топшириш - қабул қилиш далолатномасини ва ҳисобот ҳужжатлари бажарилган ишларни 5 кун мобайнида қабул қилиш мажбуриятини олади ва Лойихачига имзоланган, ёки асосли эътироз билдирилган топшириш-қабул қилиш далолатномасини жўнатади.

6.5. Бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш давомида буюртмачининг асосли эътирози бўлса, камчиликларнинг руйхати ва уларни бартараф этишнинг аниқ муддатини белгиловчи икки томонлама далолатнома тузилади.

6.6. Агар ишларни бажариш жараёнида, кейинчалик уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги маълум бўлиб қолса, томонлар 5 кун мобайнида бир-бирларини ишлар тўхтатилганлиги ҳақида хабардор қилишлари шарт ва 10 кун

мобайнида ишларни давом эттириш учун мақсадга мувофиқ бўлган йўналишларини оидинлаштирувчи масалаларни кўриб чиқишлари керак. Ишлар тўхтатилган холларда томонлар учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган мажбуриятлар юкланади.

6.7. Ҳазор хисоб-китоблар қилишнинг муддати келганлиги, томонларнинг бири мазкур шартномадаги ишларни тўхтатиш ҳақидаги ёзма хабарнома берган санадан хисобланади.

6.8. Бажарилган ишлар (босқичлар)да камчилик ва нуқсонлар аниқланганда лойихачи уларни бегараз бартараф этади.

6.9. Агар Лойихачи ўтган босқич учун хисобот бермаса, кейинги босқич учун молиялаштириш ишлари бажарилмайди.

#### 7. Тарафларнинг жавобгарлиги.

7.1. Лойихачи ЛСХ ҳужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган ЛСХ ҳужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган объектдан фойдаланиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгардир ва камчиликларни бартараф қилиш учун қилинган харажатларни қоплайди.

7.2. ЛСХ ҳужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда, Лойихачи Буюртмачининг талаби билан 10 кун муддатда ЛСХ ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва бунинг оқибатида келтирилган зарарни тўлаши шарт.

7.3. Томонларнинг мажбуриятларини бажармаганлиги ёки етарли даражада бажармаганликлари учун жавобгарликлари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисидаги» қонунга, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига асосан белгиланади.

7.4. Лойихачи томонидан бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар муддати кечиктирилганда Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

7.5. Пенянинг тўланганлиги ва зарарнинг қопланганлиги тарафларни ўз мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

7.6. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

#### 8. Бартараф этиб бўлмайдиган куч ҳолати (форс - мажор).

8.1. Агар томонлар мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолиши табиий ҳодисалар, харбий ҳаракатлар ва бошқа бартараф этиб бўлмайдиган бошқа кучлар сабабли содир бўлган бўлса, ҳамда бу ҳолат мазкур шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, томонлар мазкур шартнома бўйича мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолгани учун жавобгарликдан озод бўладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларнинг ижро муддати бартараф этиб бўлмайдиган вазият, шунингдек шу вазият келтириб чиқарган оқибат ҳукм сурган вақтга мос равишда орқага сурилади.

8.2. Агар бартараф этиб бўлмайдиган куч вазияти ёки унинг оқибатлари 3 ойдан ортиқ вақтга чўзиладиган бўлса, Лойихачи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки номаълум вақтга тўхтатиш учун чора-тадбирлар кўришни муҳокама қиладилар. Агар томонлар икки ой мобайнида бир тўхтамага кела олмадилар, томонларнинг хар қайсиси шартномани бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

#### 9. Қўшимча шартлар

9.1. Буюртмачи 1.1 - бандда кўрсатилган объектдан ташқари, Лойихачи томонидан тақдим этилган бажарилган иш натижаларидан фойдаланишга ҳақли эмас, Лойихачи олинган бирламчи маълумотлардан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

9.2. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган томонларнинг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий - ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги қонунига, ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексига асосан белгиланади.

#### 10. Шартноманинг амал қилиш муддати ва шартлари

10.1. Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва унинг шартлари тўлиқ бажарилгунча ўз кучида қолади.

10.2. Шартноманинг муддати тугашига қарамай, томонлар жавобгарликдан озод этилмайди.

10.3. Шартноманинг амал қилиш муддати 31.12.2022 йилгача.

#### 11. Бахсларни ҳал этиш тартиби

11.1. Шартномани тузиш, ижро этиш, ўзгартириш ва бекор қилиш, шунингдек келтирилган зарарни қоплаш чоғида томонлар ўртасида вужудга келадиган бахслар ўзара муҳокама қилиниб келишувга эришиш имконияти бўлмаган тақдирда, қонунчиликда белгиланган тартибда суд томонидан кўриб чиқилади.

#### 12. Шартномани ўзгартириш ва унга қўшимчалар киритиш тартиби ва бекор қилиш тартиби.

12.1. Ушбу шартномага хар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқий хисобланади.

12.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига кўра, етказилган зарарни қоплаш шarti билан йўл қўйилади.

12.3. Лойихачининг айби билан ишларнинг бориши тўхтаб қолса ва ишларнинг тугатилиши шартномада белгиланган муддатдан бир ойдан ошиқ муддатга кечиктирилса, берилган топшириқда назарда тутилган ишлар сифати мавжуд талабларга жавоб бермаса, Буюртмачи шартномани бекор қилишга ҳақли.

12.4. Лойихачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра лойиха ишлари Буюртмачи томонидан бир ойдан ошиқ муддатга тўхтатилса, Буюртмачи лойихалаш ишларининг ҳақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса, Лойихачи шартномани бекор қилишга ҳақли.

12.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган томон иккинчи томонга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юборади, иккинчи томон 10 кунгача эътироз билдирмаса шартнома бекор қилинган хисобланади.

#### 13. Томонларнинг реқвизитлари:

##### Буюртмачи:

“Хоразм минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК

Урганч ш. Хива шох кўчаси 1 км

Телефон: 224-57-13, 224-57-16

ш/хр 304521860334017045129118148

СТИР 207254393, ИФУТ 70100

Молия вазирлиги ғазначилиги

Ғазна х/в: 2340 2000 300 100 001 010

Марказий банк Тошкент шаҳар ХККМ

МФО 00014 СТИР 201 122 919

Директор

Р.Рўзимов

Буюртмачи юристи

Х.Кушчанов

##### Лойихачи:

**"XORAZMYOLLOYINA"МЧЖ**

Адрес: Хива шох кучаси 2 уй

Тел.: +998972118100

ИНН: 200408269

ОКЭД: 71120

Р/С: 20208000100402952001

Банк: "УЗСАНОАТКУРИЛИШБАНКИ" АТБ Бош офиси

МФО: 00440

Директор

Х.Турдиев


2022 йил «15» апрелдаги  
№-П-15сонли шартномага 1-илова

“Боғот тумани Ўзбекистон МФЙ Юрт ёшлари,Ипак йўли, Қорачиқ,Мовий уммон,Азим дарё,Сўлим диёр,Чарос, Қайнар булоқ,Халқ бахти, Жаннатмакон ўлка, Баҳор айёми, кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш”

бўйича лойиҳа ишларини бажариш

ГРАФИГИ

№	Объект номи ва манзили	Ишлар тури	Ишлар қиймати жами, минг сум	шу жумладан 2022 йил		қурилиш давомида
				Апрел	май	
1	2	3	4	5	6	7
1	<u>“Боғот тумани Ўзбекистон МФЙ Юрт ёшлари,Ипак йўли, Қорачиқ,Мовий уммон,Азим дарё,Сўлим диёр,Чарос, Қайнар булоқ,Халқ бахти, Жаннатмакон ўлка, Баҳор айёми, кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш”</u>	Лойиҳа-смета ишлари	23 000,000	20 000,000	3 000.000	-
	ЖАМИ:		23 000,000	20 000,000	3 000.00	-




Буюртмачи - “Хоразм минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” Давлат унитар корхонаси билан Лойиҳачи - “XORAZMYOLLOVINA” МЧЖ директори Х.Турдиев ўртасида “Боғот тумани Ўзбекистон МФЙ Юрт ёшлари, Ипак йўли, Қорачиқ, Мовий уммон, Азим дарё, Сўлим диёр, Чарос, Қайнар булоқ, Халқ бахти, Жаннатмакон ўлка, Баҳор айёми, кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш” объектига лойиҳа-смета ҳужатларини ишлаб чиқишга доир шартнома лойиҳаси юзасидан корхона ҳуқуқшуноси Х.Кушчанов томонидан Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунининг 21-моддаси талабларидан келиб чиқиб

ХУЛОСА

Шартнома лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2003 йил 16 сентябрда қабул қилган «Капитал қурилишда ҳужалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги 395-сонли Қарори ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ тайёрланган. Шартнома лойиҳасининг шартлари, хусусан шартнома мавзуси, тарафларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, ҳисоб-китоблар тартиби, тарафларнинг жавобгарлиги, низоларни ҳал этиш тартиби, форс-мажор ҳолатлари ва жавобгарликдан озод этиш масалалари қонун ҳужжатлари талабларига мос келади.

Корхона юристи  
2022 йил

  
Х.Кушчанов

ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ҚИЙМАТИНИ АНИҚЛАШ  
ВА КЕЛИШИШ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Урганч шаҳри

2022 йил «15» апрель

«Буюртмачи» «Хоразм минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати» Давлат унитар корхонаси номидан Низом асосида иш юритувчи директор Р.Рўзимов ва «Лойихачи» - "XORAZMYOLLOYINA" МЧЖ номидан Устав асосида иш юритувчи директор Х.Турдиев, "Боғот тумани Ўзбекистон МФЙ Юрт ёшлари, Ипак йўли, Қорачиқ, Мовий уммон, Азим дарё, Сўлим диёр, Чарос, Қайнар булоқ, Халқ бахти, Жаннатмакон ўлка, Бахор айёми, кўчалари ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш" объекти бўйича лойиха-смета хужатларини ишлаб чиқиш қийматини келишиш тўғрисида ушбу далолатномани туздилар:

**1. ЛСХни ишлаб чиқариш қийматини аниқлаш ва келишиш:**

Объектнинг ҚМИ баҳоси ҚҚС билан - 1 400 646,8 минг.сўм;  
Лойиха-қидирув ишлари қийматини аниқлаш тўғрисидаги Низомнинг 4-илоvasи 5-устунига асосан ишчи лойихани ишлаб чиқиш қиймати даражаси - 3,16%;  
камайтириш қиймати (келишилган) - 0,6;  
низомни 2-чи иловаси 4-чи каторига асосан қиймати (купайтириш) - 1,0;  
Хисобланган қиймат = 1 400 646,8 x 3,16% x 0,6 x 1,0 = 26 556,263 минг.сўм;  
**Келишилган қиймат барча солиқлар билан - 23 000,000 (йигирма уч миллион) сўм.**

Ушбу қиймат шартнома тузиш ва ҳисоб китоб қилиш учун аниқланди ва келишилди.













№	№	Объектлар номи, жойлашган ва адрес рўйхатига киритилган бўлиши асос	2	3	4	5	6	7	Капитал қўйилмайдиган 2022 йилдаги исботнома				13	14	15	16	17	18	19									
									8	9	10	11								12								
										Шу жумладан			2022 йилдаги тўловнинг															
										Жами капитал қўйилмалар			Бюджетчи харажатлари		Инша туширилмаган қувват (чорак)		Асосий фондларнинг инша туширилиши		Курилин тугалланмаган объектларнинг кейинги босқичга ҳолатига қолдиқ қиймати, шу жумладан буюртмачи харажатлари		Пудрат шартномасига асосан мольаблаштирилган бунча келгуси объектларнинг 10.10.2022 й.га қолдиқ қиймати, шу жумладан буюртмачининг		Лойиҳа жепертиза саанас ва №		Тендер шартлари тасдиқланган баённома саанас ва №		Пудратчи курилин ташкилоти	
										КМ И			Жами		Инша туширилмаган қувват (чорак)		Асосий фондларнинг инша туширилиши		Курилин тугалланмаган объектларнинг кейинги босқичга ҳолатига қолдиқ қиймати, шу жумладан буюртмачи харажатлари		Пудрат шартномасига асосан мольаблаштирилган бунча келгуси объектларнинг 10.10.2022 й.га қолдиқ қиймати, шу жумладан буюртмачининг		Лойиҳа жепертиза саанас ва №		Тендер шартлари тасдиқланган баённома саанас ва №		Пудратчи курилин ташкилоти	
46.	2	Янгибозор тумани Янгиер МФЙ Шиловоор ва Шиловоор 1-2, 3-4 тор, Қўшқалари, Шиловоор 6-тор, Шиловоор 7, 8-9-тор қўшқалари, Шиловоор 10-11-12, 13-14 тор қўшқалари, Шиловоор 5-тор ва 48956 айб ботқоқи, Шиловоор 6-тор ва 11-торни боғловчи, Шиловоор 5-тор ва 13-торни боғловчи, Шиловоор 5-тор ва 6-торни боғловчи, Қўшқалари икки ўқмақк йўлини жериди ташкирлашти		4200						2744 000,000		63 070,000		0,000						Ташков								
47.	3	Янгибозор тумани Шиндот МФЙ Уч ховли, Уч ховли 1-тор, Уч ховли 2-тор, Шиндот МФЙ Шиндот 1-тор, Шиловоор 1-тор қўшқак, Бугун бода 1-тор қўшқак, Қўшқалари икки ўқмақк йўлини жериди ташкирлашти		6,872						1200 000,000		62 191,600		0,000						Ташков								
48.	4	Янгибозор тумани Шиндот МФЙ Илтиш, Илтиш парок, Илтиш парок 1-2-тор, Қўшқалари икки ўқмақк йўлини жериди ташкирлашти		4,195						1500 000,000		85 200,000		0,000						Ташков								
49.	5	Янгибозор тумани Шиндот МФЙ Қабаргош йўли, № 157 йўли ва Шиндот маҳалласини боғловчи йўли, 48956 автойўли ва Уч ховли қўшқакни боғловчи йўли, Уч ховли 1-тор ва Уч ховли 2-тор қўшқакни боғловчи йўли, Уч ховли 2-тор қўшқакни боғловчи йўли, Қўшқалари икки ўқмақк йўлини жериди ташкирлашти		3,309						894 000,000		56 640,000		0,000						Ташков								
										Захара мийабданги			1 650 000,000															
										Жами			23,040		0,000		0,000		0,000		0,000		0,000		0,000			
<b>12 Янгибозор тумани</b>																												
50.	1	Янгибозор тумани Халқобод МФЙ Уста Латвоор, Эвгучие, Дўрван, Қилбоқот қўшқак, Қўшқалари икки ўқмақк йўлини жериди ташкирлашти		6,375						1 100 000,000		71 950,000		0,000						Ташков								
51.	2	Янгибозор тумани Халқобод МФЙ Халқобод қўшқак, Ғурур қўшқак ва Қўшқалари қўшқак, Қўшқалари икки ўқмақк йўлини жериди ташкирлашти		4,637						1 594 000,000		84 295,000		0,000						Ташков								
52.	3	Янгибозор тумани Халқобод МФЙ Халғар, Сававрақил, Талқоблар, Нурчи, Чорбоқ, Қўшқалари икки ўқмақк йўлини жериди ташкирлашти		4,893						900 000,000		56 758,800		0,000						Ташков								
53.	4	Янгибозор тумани Қиле МФЙ Қавоор, Мақсан оғуш, Янги Уш, Мақсурадчи, Тақлино мақсан, Уқоқи қўшқак ва Орчоворбод қадрингошга олиб боруши йўли, Қўшқалари икки ўқмақк йўлини жериди ташкирлашти		4,143						1 444 000,000		66 700,000		0,000						Ташков								
54.	5	Янгибозор тумани Қиле МФЙ Тўрт шир, Хосовор Ёлқор Қиле, Қўшқалари икки ўқмақк йўлини жериди ташкирлашти		3,228						1 000 000,000		80 415,000		0,000						Ташков								
55.	6	Янгибозор тумани Қиле МФЙ Ғабар оғуш Қўшқак, Урақи қўшқак, Дарқовбод мақсудингошга олиб боруши йўли Қўшқалари икки ўқмақк йўлини жериди ташкирлашти		5,044						1 000 000,000		58 510,000		0,000						Ташков								
										Захара мийабданги			1 758 000,000															
										Жами			28,320		0,000		0,000		0,000		0,000		0,000		0,000			
<b>13 Тўрқосқала тумани</b>																												
56.	1	Тўрқосқала тумани Сашир МФЙ Ёрқаспек йўли қўшқак, Дарқовбод мақсудингошга олиб боруши йўлини жериди ташкирлашти		4,563						1 500 000,000		93 550,000		0,000						Ташков								
57.	2	Тўрқосқала тумани Сашир МФЙ Олшоор, Шодик, Ақшот, Фирқовошқак қўшқалари икки ўқмақк йўлини жериди ташкирлашти		5,833						1 500 000,000		82 828,600		0,000						Ташков								
58.	3	Тўрқосқала тумани Сашир МФЙ Нурқилчи, Ёлқот, Ой-Сабат қўшқалари икки ўқмақк йўлини жериди ташкирлашти		4,952						1 492 000,000		70 318,400		0,000						Ташков								

№	Объектлар номи, қойиларуи ва адрес рўйхатида қаратилган бўйича асос	курулиш ишлари бошлангани ва туганган йили	Лойиҳавий қуввати (мос қийматларда)	курулишнинг худрат шартномаси тузилган вақтдаги умумий қиймати, шу жумладан буюртмачи харажатлари	01.01.2021 й ҳолатига қурулишнинг қолдиқ қиймати, шу жумладан буюртмачининг харажатлари	01.01.2021 й ҳолатига қурулишнинг қолдиқ қиймати (кайта ҳисоблаш бўйича) шу жумладан буюртмачининг харажатлари	01.01.2021 йил ҳолатига таъмирланган ишларнинг ҳисобланган кейинги молиялаштирилиш бўйича қолдиқ қиймати, шу жумладан буюртмачининг харажатлари	Қаитқал қўйилмавларнинг 2022 йилдаги негизбоян				2022 йилдаги тушуришнинг		Курулиш тугалланмаган объектларнинг кейинги босқичга ҳолатига қолдиқ қиймати, шу жумладан буюртмачи харажатлари	Пудрат шартномасига асосан молиялаштирилиш бўйича келгуси йилга ўтказиладиган объектларнинг 01.01.2022 й га қолдиқ қиймати,шу жумладан буюртмачининг	Лойиҳа экспертиза санаси ва №	Тендер сандлари тасдиқланган баённома санаси ва №	Пудратчи қурулиш таъкилоти	
								Жами капитал қўйилмавлар	КММ	Жиҳозлар	Буюртмачи харажатлари	Шу жумладан буюртмачи харажатлари	Ишга туширилган қувват (чорак)						Асосий фондларнинг ишга туширилиши
		Жами		0,000		0,000		0,000		0,000		0,000		0,000		0,000		0,000	
59	Турпоқсизга тўқатиш Оушубоёв Меъй Ҳушшат, Бўжак вакил бўли, Дарҳама, 1-қават, 2022 й	2022 й	5,970					1 250 000,000	0,000	0,000	84 774,000	5,970	0,000					Ташков	
60	Турпоқсизга тўқатиш Оушубоёв Меъй Еркак вакил на Дарҳама қўқарилиш вакил Ушатиқ Бўлини қарид таъмирлаш	2022 й	5,413					1 250 000,000	0,000	0,000	76 864,600	5,413	0,000					Ташков	
61.	Турпоқсизга тўқатиш Оушубоёв Меъй Муқатталик ўқаш, Ўқатиш, Чопони били Қашги, Сервис, қўқарилиш вакил Ушатиқ Бўлини қарид таъмирлаш	2022 й	4,125					1 922 000,000	0,000	0,000	96 465,500	4,125	0,000					Ташков	
Захиралар маълумоти								1 200 000,000											
Жами			30,856	0,000	0,000	0,000	0,000	10 184 000,000	0,000	0,000	504 890,600	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000		

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
 "МИРИЙИЛИДИ"  
 Хоразм вилояти ҳуқуқий вакиллик бўлими  
 Хоразм вилояти ҳуқуқий вакиллик бўлими директори  
 Р.Ҳуснов  
 2022 й

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
 "КЕЛИШИЛИДИ"  
 Хоразм вилояти ҳуқуқий вакиллик бўлими  
 Хоразм вилояти ҳуқуқий вакиллик бўлими директори  
 Р.Аллаберганов  
 2022 й

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
 "КЕЛИШИЛИДИ"  
 Хоразм вилояти ҳуқуқий вакиллик бўлими  
 Хоразм вилояти ҳуқуқий вакиллик бўлими директори  
 Р.Аллаберганов  
 2022 й

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
 "КЕЛИШИЛИДИ"  
 Хоразм вилояти ҳуқуқий вакиллик бўлими  
 Хоразм вилояти ҳуқуқий вакиллик бўлими директори  
 Р.Аллаберганов  
 2022 й